

Ezgu fikr,
ezgu so'z,
ezgu
amal!

m
sarchashmalari

ilmiy va ilmly-meiodlkjimml

AL-XORAZMIY NOMIDAGI URGANCH
DAVLAT UNIVERSITETI

I

I

i ■■■■■■■■) ■■■■

i ■■■■ 1 II II 1

2019-2

№ 13-020 Ilm sarchasmalari 2019-2

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

Al-Xorazmiy nomidagi Urganch davlat universiteti

Ilm sarchasmalari

O'zR Oliy Attestatsiya Komis-
siyasi Rayosatining 2004-yil
29 -yanvardagi 101/4 qarori
bilan jurnal filologiya
va 2007 -yil 29-noyabrdagi
falsafa fanlari bo'yicha OAKning
ilmiy nashrlari ro'yxatiga kiritilgan

2019-2

Научный и научно-методический журнал

Издаётся с 2001 года

Постановлением Президума ВАКа журнал включен в список научных
изданий ВАКа № 101/4 от 29 января 2004 года по филологическим, №
139/5 от 29.XI. 2007 по историческим и филологическим наукам.

Хошимова Дилноза Рухсибоевна-
Чирчиц давлат педагогика институты
инглиз тили фани уцитувчиси

ТАЛАБАЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ХИССИ Й-ЭКСПРЕССИВ НУТРИИ МНЕМОНИК БАЗА АСОСИДА ТЕЗКОР УСТИРИШ ИЖТИМОЙ- ПЕДАГОГИК ^ОДИСА СИФАТИДА

***Лннотация'.Ушбу** мацолада муаллиф талабаларга инглиз тилини 'китишнинг узига хос механизми уаида маълум бир илмий гоаяларни илгари г.ради ва уз фикрларини даллиллар асосида баён этишга х,аракат цилган.*

***Аннотация.В** данной статье идет речь об обучении английского языка для студентов путем особых механизмов и привел научные факты по данной геме.*

Annatation: *This article is about the peculiar mechanisms in teaching English.*

Калим сузлар: таълим тизими, педагогик инновациялар, услуб ва технологиялар.

Ключевые слова: система образования, педагогические инновации, методы и технологии.

Key words: educational process, pedagogical innovations, methods and teachnologies.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги инновацион жараёнлар жахон хамжамияти томонидан эътироф этилиб, таълим тизими йуналишларига хамоханг равишда амалга оширилмокда. ЮНЕСКО маълумотларига биноан

"Янгиланиш, ривожланиш, демократия манфаатлари максатида ташкил килинган таълим"), бу йуналишлар: таълимга умумбашарий глобаллашув ва инсонпарварлик ёндашуви, таълим мазмунини умуммаданий, ижтимоий ва экологик, фанлараро интеграция ва технологиялаштириш; таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, унинг ривожлантирувчи функцияларини инобатга олишга каратилмокда.

Таълим тизимида инновация, интеграция ва укитиш сифати мониторингини такомиллаштириш буйича амалга оширилаётган илмий изланишларда укув-тарбия жараёни натижавийлигига алохида эътибор каратилмокда. Бундай йуналишдаги тадқиқотларда укитиш сифати мониторингининг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш, компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари (КЁДТС)ни татбиқ этиш, узлуксиз таълим тизимида инновацион гоаяларни, ахборот-коммуникацион технологияларни жорий килишга оид илмий жихатдан асосланган таклифларни, тавсиялар тизимини ишлаб чикиш, таълим ва укитиш сифатига таъсир этувчи омилларни аниклаш, укитиш сифати мониторингини автоматлаштиришга алохида эътибор каратилмокда.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 27 май 143-сонли «2013-2016 йилларда таълим муассасалариинг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, .укитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жихозлаш (куншмча жихозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тугрисида»ги Б^арори эълон килинди.[1]

Карорда таълим жараёнида илгор педагогик услуб ва технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа такдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чукур ва хар томонлама урганиб чиқиш, чет эл тажрибасини инобатга олган холда таълим жараёнини янги мазмунда ташкил қилиш учун янги укув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машгулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти буйича соатлар купайтирилишини таъминлаш белгилаб қуйилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнининг модернизация қилиш босқичида уқитувчиларнинг педагогик инновациялар ҳ,амда интерфаол усуллар, янги педагогик технологияларни тулик холда эгаллаган булишлари талаб этилаётган булиб, уқитувчиларнинг укув жараёнини мана шу инновацион гоё ва шакллар асосида ташкил қилишни билишлари такозо этилмокда. Таълим тизимига инновацион гоёларни татбик этиш тизим, механизм ва технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормокда.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида **уз** иш фаолиятини ташкил қилаётган мутахассислардан бир неча хорижий тилларни билиш талаб этилади. Демак, хорижий тилларни уқитаётган чет тиллари уқитувчилари зиммасига жуда катта вазифалар қуйилмокда. Уқитувчи шахси давлат томонидан таълим ислохотлари жараёнида белгиланган барча устувор вазифаларни амалга оширишда бош субъектлардан бири сифатида майдонга чикмокда. Шунга кура, уқитувчи янги педагогик инновацияларга очик булсагина, таълим жараёнига белгиланган инновацион гоёлар максадли кириб бориши таъминланган булади. Шу жихатдан олганда, олий таълим тизимидаги инглиз тили уқитувчилари инновацион педагогик фаолиятини ташкил қилиш, ушбу жараённинг назарияси ва амалиётини урганиш, уни такомиллаштириш **долзарб** масалалар сирасига киради ва у қуйидагиларда уз ифодасини топади:

-биринчидан, Узбекистон Давлатининг бопща мамлакатлар билан узаро интеграциялашув жараёнларида иштирок этиши, бунда хориж тиллари, хусусан, инглиз тилидаги сузлашувнинг ривожланиши, инглиз тилининг мамлакат иктисодий, ижтимоий, сиёсий сохаларда узга мамлакатлар билан алокага киришивудаги тутган урни;

-иккинчидан, Давлатимиз таълим соҳасидаги хужжатларида чет тилларни уқитиш тизимини тубдан ислох қилиш вазифаси бутун мамлакат педагогик жамоаси ва мутахассислари олдига улкан вазифаларни юклаганлиги, чет тилларни уқитишда илгор педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация

тизимлари, электрон ва мультимедиа дарсликларини яратиш вазифаларини амалга ошириш тақозо этилаётганлиги, бироқ айнан инновацион педагогик технологияларни куллаш ва улар асосида янги мазмундаги турли ахборот-коммуникацияларига асосланган методик кулланмалар, дарсликлар, ишланмаларни, чет тиллар бўйича инновацион педагогик технологияларни яратиш иши оқсётганлиги ҳамда уларни тезда ва қўллаб яратиш зарурати;

-учинчидан, жаҳон микёсида инновацион педагогика ва янги мазмундаги педагогик технологияларнинг кенг ривожланиб бораётганлиги, уларни педагогик амалиётга куллашга нисбатан эътиборнинг кучайиши, инновацион педагогик тамойиллар замонавий педагогик илм тараккиётининг бош омилларидан бири бўлиб, кенг таркалаётганлиги, бироқ миллий педагогик жараёнда инновацион педагогика тушунчасининг ҳар бир предмет ва уни ўқитиш хусусиятлари, шарт-шароитлари, муҳити ва мақсадлари нуктаи назаридан педагогик мазмуни тула ақс этмаганлиги, миллий педагогикада инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш жараёнининг оқсётганлиги, илгор педагогик технологияларни тақлиф этиш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш зарурлиги, мавзунинг назарий ва амалий жиҳатлари, шу жумладан олий таълим тизимида чет тилларни ўқитишнинг бугунги замонга мос педагогик андозаси, методологияси ва технологиясини ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлиги;

- туртинчидан, ҳозирги дунё ҳамжамияти ва давлатлар уртасида турли маданий, таълимий ва иқтисодий-иҷтимоий муносабатларнинг кескин ўсиб бораётганлиги шароитида ҳамда глобализация тараккиёти, унинг дунё микёсида кенг тарқалиши даврида Ўзбекистонда чет тилларни ўқитишга давлат томонидан алоҳида катта аҳамият қаратилаётганлиги, чет тилларни билган рақобатбардош кадрларга бўлган замонавий талабнинг кундан кун ўртиб бораётганлиги, мамлакат иқтисодиётининг модернизация қилиниши шароитида чет тилларни пухта билган рақобатбардош кадрлар ва мутахассисларга бўлган иҷтимоий талабнинг кескин ўсиши> бироқ давлат аҳамиятига молик вазифаларни амалий жиҳатдан бажаришда ўқитувчи ва педагог олимлар томонидан янги инновацион технологиялар нуктаи назаридан жаҳон таҷрибасини ўрганиш> уни танқидий асосда миллий педагогик таълим тизимида татбиқ этиш ўсули, восита ва шакллари урганишга бўлган сайи-ҳаракатларнинг камчил эканлиги, бу соҳани тезкорлик билан талаб этилган даражада ҳамда микёсда ҳар томонлама ривожлантириш даркорлиги;

-бешинчидан, дунё микёсида ўқитувчи шахсига нисбатан инновацион педагогик жараёни ташкил қилувчи ва олиб боровчи сифатида эътиборнинг кучли эканлиги, ўқитувчи фаолияти инновацион характерга эга бўлган турли методик ишланмалар, технологиялар билан мақсадли қуроллантириб борилаётганлиги, ўқитувчи фаолиятига нисбатан замонавий жамиятлар учун зарур энг ноёб бўлган захира бойлик, яъни “инсон капиталини” бунёд қилувчи асос сифатида қаралаётганлиги, бироқ бизнинг миллий таълим тизимимизда ўқитувчи фаолиятини ташкил қилиш ва уни инновацион қуроллантириш фақат

мана шу уkitувчининг шахсий илгорлиги, рагбати ва иштиёкига айланиб колаётганлиги, шунинг учун уkitувчи фаолиятини максадли равишда инновацион педагогик фаолиятга утказиш давлат ахамиятига молик вазифага сифатида бахоланаётганлиги ва ташвиқ этилаётганлиги;

-олтинчидан, чет тилларни урганишни янада ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасалари учун чет тилларидан юқори малакали уkitувчиларини тайёрлашга заруратнинг ошиши; республиканинг барча ҳудудларида чет тилларни, асосан, инглиз тилини урганиш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш, олий укув юртларида айрим махсус фанлар, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича уkitиш чет тилларда олиб борилишини инобатга олиб, юқори малакали олий таълимда фаолият юритаётган уkitувчилар фаолиятини инновацион импульс билан йугринлаштиришга талабнинг кучайиши; умумий урта, урта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг укувчилари ва уkitувчиларини чет тиллар бўйича дарсликлар ва укув-услугий комплекслар билан таъминлаш, уларни белгиланган муддатларга риоя этилган ҳолда қайта нашр этиш - кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига кириши ва бопшалар.

Шунингдек, сунгги йиллар ичида чет тилларни уkitишни жадаллаштириш ва ривожлантириш бўйича бир қатор ута муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, мана шу ҳужжатларда белгиланган барча долзарб вазифаларни бугунги кунда амалга ошириш тақозо этилмоқда.

2012 йилнинг 10 декабрда “Чет тилларни урганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Қарор, [2] “Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида”ги 2013 йил 23 майдаги ШҚ -1971-сонли Қдрор [3], 2013 йил 8 майда Вазирлар Маҳкамасининг 124-сон «Ўзлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тугрисидаги» 124-сон Қарори [4], 2013 йил 27 майда 143-сон Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, уkitишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қушимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Т^арорларида [5] мамлакат иктисодиётини ривожлантириш ва уни дунё микёсига олиб чиқишда чет тилларни эркин билган рақобатбардош кадрларга бўлган замонавий талаб ортиб бораётганлиги таъкидланади ва мана шундай кадрларни шакллантириш таълим тизимининг бош вазифаларидан бири эканлиги ҳақида суз кетади. Мана шундай долзарб вазифани амалга оширувчи бош шаҳе - уkitувчи бўлиб, унинг инновацион гоё, қараш, тафаккур ва фикрларга очиклиги таълим самарадорлигини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қилади.

«Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тугрисида» 2011 йил 20 майдаги ГШҚ-1533-сонли

Кдрорда [6] хдм чет тилларини укитишнинг моддий техник базасини янада кучайтириш ва модернизация килиш асосида хорижий тилларни тулик биладиган ва уз сохасида экрин мулокот кила оладитан кадрларни тайёрлаш вазифаси белгиланди.

Давлат хужжатларининг барчасида чет тилларни укитиш тизимини тубдан модернизация килиш ва уни жахон таълим стандартлари даражасига олиб чикиш давримизнинг энг мухим вазифаларидан бири сифатида каралади. Мустакиллик йилларида «Таълим тугрисида»ги К,онун хамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни укитишнинг комплекс мажмуаси, республиканинг жахон хамжамиятига интеграциялашишга йуналтирилган тизими яратилди. Мустакиллик йилларида 52,1 минг нафардан зиёд чет тиллар укутувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5 — 9 синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари буйича мультимедиа дарсликлари, бошлангич синфларда инглиз тилини урганиш буйича электрон ресурслар тайёрланди, умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан купрок лингафон кабинетлари жихозланди.

2017 йилнинг 7 августидан таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида республикаимизнинг 10-11 синфлари учун давлат таълим стандартлари ишлаб чиയിлиб, амалиётга татбиы ыилинди. Бирок, чет тилларни урганишни ташкил килишнинг амалдаги ҳолати, олий таълим тизимидаги инглиз тили укутувчиларининг фаолиятини тахлил этиш шуни курсатмокдаки, таълим стандартлари, у к у в дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илгор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талабга тулик жавоб бермаяпти. Таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилмокда. Таълим тизимининг барча боскичларида чет тилларни узлуксиз урганишни ташкил килиш, шунингдек, инглиз тили укутувчиларининг инновацион фаолиятини ташкил килиш хамда уларни замонавий укув-услубий материаллар билан таъминлаш янада такомиллаштирилиши лозим булган жараён сифатида баҳоланмокда.

XXI асрда жахонда таълим тизимининг ривожланиш тенденциялари интеллектуал ривожланган, ракобатбардош комил инсонни тарбиялаш - энг асосий, кечиктириб булмайдиган мухим вазифалардан бири эканлигини курсатмокда.

Хар кандай мамлакатнинг куч - кудрати унинг интеллектуал салохияти билан белгиланади. Бу эса бевосита таълим сифатига боглик.

Бутун жахонда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар кишилик жамиятининг олий мақсади булиб келган - жисмонан ва ахлокан баркамол, аклан етук, маънавий бой инсонни тарбиялаш муаммосининг ечимини топишга каратилган булиб, бу демократик давлат ва кучли фукаролик жамиятида мухим ахдмият касб этади ва ракобатбардош кадрларни тайёрлаш тизимининг натижали самарадорлигини замонавий талаблар асосида ошириб бориш вазифасини куяди. Жахонда таълим

тизимининг ривожланиш тенденциялари интеллектуал ривожланган, ракобатбардош комил инсонни тарбиялаш - энг асосий, кечиктириб булмайдиган муҳим вазифалардан бири эканлигини курсатмоқда. Ёш авлодга таълим бераётган уқитувчилар бугунги кунда узлари замонавий таълим-тарбия сирларидан воқиф булишлари, замонавий педагогик ва инновацион технологияларни эгаллаган, ахборот-коммуникация воситаларидан оқилона фойдалана олиш куникмаларига эга булишлари талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида педагогик амалиётнинг турли томонларини камраб олаётган кучли инновацион импульс ҳаракати давом этмоқда: таълим сифатини ошириш, натижаларини олдиндан белгилаш, инновацион, ахборот ва коммуникацион технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш, интерфаол уқитиш, таълим менежментига қаратилган ёндашувлар вужудга келмоқда.

Ўзбекистонда янги гоёлар, инновацион технологияларни таълим жараёнига татбиқ қилиш бўйича Инновацион ривожланиш вазирлиги, бир неча марказлар, жамғармалар фаолият курсата бошлади. Инновацион технологиялар марказлари, Республика укув-методик маркази, “Истеъдод”, “Устоз” жамғармалари бугунги кунда республикамізда таълим - тарбия жараёнига янги технологияларни татбиқ қилиш муаммолари ва уларнинг ечимларини топиш бўйича кенг фаолият олиб бормоқда. Айниқса, 2018 йилнинг 7 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенті томонидан ПКҒ3698-сонли “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қушимча чора-тадбирлар тугрисида”ги қарори [6] мамлакатимизни инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги илгор тажрибаларни узимизнинг республикамізда жорий этиш, фаолият курсатаётган “янги таълим модели” тизимини такомиллаштириш, инновацион гоёларни урганиш устида кизгин иш олиб борилиши лозимлигини курсатиб беради. Унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини куллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги катта аҳамият қасб этиб, ривожланган мамлакатлардаги таълим, тарбия тизимини урганиш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, анъанавий-“ахборотли уқитиш» уриига уқитувчи ва укувчи ролини узгартириш зарурлигини белгилаб беради. Шу жихатдан олганда, талабаларда инглиз тилидаги хиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор устиришни ижтимоий-педагогик ходиса сифатида урганиш ижтимоий долзарблик қасб этувчи масалалар сирасига қиради ва у қуйидагиларда уз ифодасини топади:

-барқамол авлодни тарбиялаш талаби уларга энг илгор билим бериш, объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилиши;

-жаҳон андозаларига мос келадиган таълим сифатини ошириш мақсадида инглиз тилини урганишда илгор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

-фан-техника тараккиётининг ута ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин куийайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегаранганлиги;

-кишилиқ жамияти тараккиётининг шу кундаги боскичида назарий ва эмперик билимларга асосланилган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга булган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга утиб бораётганлиги ва бошчалар билан тавсифланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2013 й., 22-сон, 283-модда, 34-сон, 453-модда.
2. «Халқ сузи» газетаси, 11.12.2012 й., 240 (5660) -сон.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2013 й., 22-сон, 279-модда
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2013 й., 22-сон, 279-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2013 й., 20-сон, 251-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қушимча чора-тадбирлар тугрисида”ги ГЎ-3698-сонли қарори,-Тошкент, 2018 йил 7 май.

қушимча адабиётлар:

1. **Жалолов Ж.** Инглиз тилини ўқитиш грамматикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005.
2. **Гоппоров Д.** Инглиз тили грамматикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005.
3. **Шерба Ш.** Опыт общей теории лексикологии. Москва, 1974.

MUNDARIJA

FILOLOGIYA

КОСИМОВ Г. М. Л. : с _ : - г - з : ~ ! кн 11 нг тарихий асослари

ВА БАДИИЯТИ..... 3-11

АКБАРХОДЖАЕВА Ф'. вопросы применения медицинских терминов

В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИЕ..... 12-14

РАСУЛОВА М. НАСТОЯЩЕЕ И БУДУЩЕЕ В КЛАССИЧЕСКОЙ

АМЕРИКАНСКОЙ ФАНТАСТИКЕ..... 14-18

РАХМОНОВА С. ВОПРОСЫ ПЕРЕВОДА ИНОСТРАННЫХ

ТЕРМИНОВ..... 18-22

КАСИМОВА М. ОБ ИЗУЧЕНИИ СЛОВАРЯ ЗАМАХШАРИ «МУКАДДИМАТ АЛ-

АДАБ» («ВВЕДЕНИЕ В ЯЗЫКОЗНАНИЕ»)..... 22-27

НУРМАТОВА М. O'ZBEK TILIDAGI "BIRODARLIK" KONSEPTINING HORIJIY

TILLARDA AKS ETILISHI MASALALARINING O'RGANILISHI DARAJASI

27-29

ХОДЖАЕВА.....Г. CREATIVE PAINTINGSTOTHEWORKSOFSHAROF

RASHIDOV..... 30-32

ЮЛДАШЕВА З. ВОПРОСЫ СЕМЬИ В МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....

32-37

ХОДЖАКУЛОВА Ф. ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАРЖИМАСИДА СТИЛИСТИКА ВА

СЕМАСИОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИНИ УРГАНИШ..... 37-42

БАБАНИЯЗОВА Р. ТИПОЛОГИЧЕСКО-СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

ПРОИЗВЕДЕНИЕ УЗБЕКСКИХ КЛАССИКОВ..... 4^~46

Г. АХМЕДОВА. КОНСТРУКЦИИ, ПЕРЕДАЮЩИЕ МЫСЛИТЕЛЬНУЮ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В АНГЛИЙСКОМ И РУССКОМ ЯЗЫКАХ..... 46-50

ШЕР АЛИЕВА Ш. WAYS TO IMPROVE THE PHYSICAL TRAINING TEACHING AT

A A R Y SCHOOLS..... 50-59

ИНОЯТОВА Г. PHRASEOLOGICAL UNITS CORRESPONDING IDIOMS.....

59_61

ТОИРОВА Ф. ИЗУЧЕНИЕ АНГЛИЙСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ,

ОБОЗНАЧАЮЩИХ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЕ СПОСОБНОСТИ..... 62-65

ТИН. ELEMENTARY EDUCATION AND PRACTICE.

THE PROBLEM ABOUT SEMANTICAL PECULIARITIES EMOTIONAL -

EXPRESSIVE MEANINGS IN THE TEXT..... 66-70

НУРИДДИНОВА У.В. УЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА КИШЛОК ХУЖАЛИГИГА ОИД

КУЛЬТ(АРДОК)ЛАРИНИ УРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ..... 71-81

PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

ШАКИРОВА И.У. ИДЕАЛЬНЫЙ ИМИДЖ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ КОНСЕРВАТОРИИ :

ОПЫТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ПЕРЕЖИВАНИЙ..... 82-8 "

ХОДЖАХАНОВ М. LEARNING ENGLISH GRAMMAR

THROUGH GAMES..... 88-9 I

ХОШИМОВА Д.Р. ТАЛАБАЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ХИССИЙ-ЭКСПРЕССИВ ^

НУТКНИ МНЕМОНИК БАЗА АСОСИДА ТЕЗКОР УСТИРИШ ИЖТИМОЙ-

